

(Атокли шоир Эркин Вохидов портретига чизгилар)

Одатда, улкан ва истеъдодли санъаткорларнинг бутун бир ижодигина эмас, балки хар бир асари ўнлаб, юзлаб олимлар томонидан батафсил тадқиқ қилинади, синчиклаб ўрганилади. Мабодо, улар бир жойга жамлангудек бўлса, ажойиб бир тафаккур чаманзори дунёга келади. Ундаги бир-бирига мутлако ўхшамаган хар битта гул ўз ранги хамда таровати билан қўнгилларга ором беради ва ижодкор гулзорининг турфалигини кўрсатувчи фазилатга айланади. Масалан, улуг Алишер Навоий ижоди 500 йилдан буён тадқиқ этиляпти, бундан кейин хам ўрганилаверади. Бу билан Навоий ижоди хақида айтиладиган фикр колмади, деган муаммо келиб чикмайди. Аксинча, фикр фикрни уйготади деганларидек, ижодкор услуби ва махоратининг янги-янги кирралари очилаверади. Чунки хақиқий истеъдодли санъаткорнинг ижодий мероси уммонга ўхшайди. Унга шўнгиган гаввос насибасига яраша дуру гавхарларни териб чиқаверади, улар эса мутлако тугамайди. Замонамизнинг истеъдодли шоири Эркин Вохидов ижоди хам ана шундай уммонлардан биридир. Агар шоир ижоди хақидаги илк маколалар матбуотда эълон қилинганига ярим асрдан ошганини инобатга олсак (Т.Тўла. “Шарк юлдузи”ни вараклаб... “Совет Ўзбекистони” газ. 1961. О.Шарафиддинов. Талант ва масъулият. “Ўзбекистон маданияти” газ. 7.08.1962), хозиргача бу уммондан йигиб олинган жавохирот хазинасининг хисобига етиш мушкул эканлиги аён бўлади-колади. Шундан буён ўтган давр мобайнида бирон бир ўзбек адабиётшуноси йўкки, ўзининг илмий-тадқиқот ишларида, хеч курса, бир марта Эркин Вохидов номини тилга олмаган, шоир ижодига хос янги бир фазилатни кашф этмаган бўлсин! Шунга карамай, бу санъаткор ижодининг очилмаган катламлари жуда сероб. Мен хам ана шу катламлар қаърига кучим ва нафасим етганча шўнгиб, Эркин Вохидов шеъриятининг ўзим илгаган айрим фазилатлари хақида фикр юритмокчи бўлдим.

Аввало, Эркин Вохидов поэтик тафаккури гоят кенг ва тиник шоир эканлигини таъқидлаш зарур. Хаётда рўй бераётган воқеа-ходисаларга теран нигоҳ билан караш, уларнинг туб мохиятини англашга интилиш, кайси бири хайрли, кай бири сохталигини аниқлай олиш истаги шоирнинг илк ижодий кадамларидан буён йўлдош бўлиб келаётир. Шоирнинг бадиий тафаккури доимий харакатда бўлгани туфайли ўзининг сархил меваларини тез ва мўл-кўл бера бошлади. Натижада, Э.Вохидов ижоди жадал суръатлар билан камолот чўккисига кўтарилди ва устоз адабиётшунос Умарали Норматов лутф қилганларидек, шоир каламига мансуб хар бир сўз, хар бир сатр чиндан хам “Қўнгилларга кўчган шеърият”га айланди.

Жуда яхши эсламан: 1961 йилда Эркин Вохидовнинг мўъжазгина “Тонг нафаси” деб аталган шеърлар тўплами босилиб чикди ва тез орада кўлма-кўл бўлиб кетди. Айникса, биз каби ёшлар (ўшанда 1-курс талабаси эдим) бу китобчадаги барча шеърларни ёдлаб олиб, давраларда, тўй-маъракаларда, кизлар билан учрашувларимизда “ўзимизники” қилиб ўқиб юрардик. Албатта, баъзан дакки хам эшитардик, негаки, ўша пайтда Эркин Вохидовни ўқимаган одам йўк эди-да! Лекин биз бу танбехлардан ранжимасдик, сабаби Эркин Вохидов деган шоир ўзимизнинг Олтиарикдан, демак, биз битта одаммиз деган юпанч бизга далда берган. Ха, Эркин ака биринчи шеърлар китоби биланок ўзимизники бўлиб колган, унинг шеърлари бизнинг кўнглимизга кўчиб кирган, хечам чиқиб кетгиси келмасди ва хозиргача хам бемалол яшаяпти. Энди айтинг-чи, шоир учун бундан ортиқроқ бахт, бундан буюкроқ тахт борми?!

Мана, шундан буён 50 йилдан ортик вақт ўтди. Бу даврда Эркин Вохидов ижоди ҳам бўйига, ҳам энига, ҳам айланасига бекиёс даражада ўсди, вазни ва салмоги ортди. Бугун Эркин Вохидов ўзбек адабиётининг ёруғ юлдузи, катта ижодий мактаб яратган улкан санъаткор бўлиб танилди.

Маълумки, Эркин Вохидов тенгдош бўлган авлод адабиётга ўтган асрнинг 60-йилларида кириб келди ва ўзбек шеъриятини ҳам шаклан, ҳам мазмунан тубдан янгиллади. Айнан шу йилларда кўлига калам олган шоиру ёзувчилар юраги озодлик, эрк туйғуси билан тўлиб-тошган эди. Хурриятга, эркак интиланган бу ижод ахли ўз асарлари рухига, энг аввало, миллатнинг кадр-кимматини улуглашни, миллий ифтихор туйғусини сингдиришни истади ва бунга дадил киришди. Натижада, бу авлоднинг илк шеърлариёк ўша пайтдаги жамиятда чуқур томир отган ёлгонга, сохталикка, баландпарвозликка қарши исён сифатида жаранглади. Аммо бу исённи очик-ошкора баён этиш мумкин эмасди. Чунки яккахокимликни бой бериб қўйишни истамаган коммунистик мафкура захарли тишларини қайраб турарди. Хайриятки, шеъриятда фикрни рамзий тимсоллар орқали ифодалаш, тиконни гулга ўраб “тортик” қилишнинг турли усуллари ва воситалари бор. 60-йиллар ижодкорлари ана шу усул ва воситалардан унумли фойдаланиб, одамлар юрагига кириб бордилар. “Менинг ҳам ўша йилларга мансуб шеърларимнинг ҳар учтадан биттасида жамиятдаги ёлгону алдовларга қарши исён туйғуси бор” дейди бу ҳақда Э.Вохидов (“Бу обод кунларга етдик соғ-омон...” Сухбат. “Тафаккур” ж., № 3, 2011).

Аслида, бу авлоднинг хизмати шу билангина чекланмайди. Чунки улар ўз кутлуг қадами билан шеърият соҳасидагина эмас, балки ижтимоий-сиёсий жабхаларда ҳам, маънавий-маърифий майдонда ҳам туб ўзгаришларни вужудга келтирди. Ҳар бир ижодкор қулликка маҳкум этилган халқ ўзининг аянчли турмуши моҳиятини чуқурроқ англасин, унга танқидий нуқтаи назардан қарасин, деган кутлуг ният билан кўлига калам олди, бутун адабиёти, маънавияти, маърифати тарихида том маънода янги саҳифалар очди. Улар бадиий сўз воситасида одамларнинг мудроқ қалбини уйғотди, онг-шуурида исён ясади.

Одамларга факат шеъригина эмас, балки ўзи ҳам кераклигини чуқур хис этиб яшаш истаги Эркин Вохидовни ҳамиша ана шу авлоднинг олдинги сафида юришга ундади. Шоир ижодининг илк қадамларидан ижодкорлик ва фуқаролик масъулиятини чуқур хис этиб, унинг залворли юқини онгли равишда зиммасига ортган ҳолда яшаб ва ижод қилиб келмоқда. Агар синчиклаб қаралса, Эркин Вохидов асарларида миллат шаънига мактов ёғдиришдан, унга ҳамду санолар ўқишдан кўра, кўпроқ инсоннинг ҳаёт олдидаги бурчини англаши, замон унинг елкасига ортаётган таҳқирли юқдан қандай қилиб озод бўлиш йўллариини излаши лозимлиги тўғрисида ёзишни муҳимроқ деб билганини англаш қийин эмас. Шу боисдан, у бутун ҳаёти давомида ҳам ижодий, ҳам ижтимоий фаолиятини бир-бирига қўшиб олиб борди ва бу узвий боғлиқлик шоир шеърларига ўзига хос мазмун ҳамда ранг бағишлади.

Эркин Вохидов ҳар доим ижодининг бошланишида айтган:

Халқ – устозим, мён эса – толиб,

Сўз дурларин термоқдир ишим.

Одамларнинг ўзидан олиб,

Одамларга бермоқдир ишим, деган принципига қатъий амал қилиб яшади ва ижод қилди. Бунинг натижаси ўлароқ, у чинакам халқ шоири сифатида тан олинди. Шоир бутун ижоди мобайнида ўзини “эрқалаб бағрига босган, меҳнатқаш, бағри кенг,

орзуларидай улуг халки”нинг бекиёс фазилатларини, дардини куйлаб келмокда. Шунинг учун ҳам шоиримиз асарларида халкона рух, соддалик мудом устувор бўлиб келаётир.

Дадил айтиш мумкинки, Эркин Вохидовнинг нафакат хар бир шеъри, балки ундаги хар бир сатри ҳам “тўлкин урган сирлар тўла уммон”дир. Чунки чин маънодаги “шоир ўз халкининг юрак парчаси” хисобланади. Бундай юракда, шубхасиз, исён тугилади. Исёнга дош бермок эса осонмас, бинобарин, исён бедор калб инкилобидир. Бундай калб халк дарди билангина нафас олади. Шу боисдан шоир “мен”и халкнинг тили ва дили, жигарбанди, фарзанди сифатида намоён бўлади. У яхшими, ёмонми, 30 миллионлик халкини ўз калбига жо килган, унинг ташвиши ва кувончи билан нафас олаётган тирик жондир. Ана шу халкининг дарди, сўзини ифода этмоклик ижодкор ўзлигининг туб мохиятини ташкил этади. Шоир томонидан мана бу мисралар бежиз ёзилмаган:

Сени сездим харгиз ўзимда,
Менда фикринг, ўйинг, тилагинг.
Хар нафасда ёник кўксимда
Уриб турар сенинг юрагинг.

Айнан ана шу халкнинг юраги уриб турганлиги учун ҳам Эркин Вохидов шеърларида “бахорий иликлигу нахорий тиниклик” баркарор.

Эркин Вохидовнинг хар бир шеърида даврнинг ёркин манзараси, халкнинг ўлмас психологияси, миллатнинг монументал киёфаси тўла акс этади. Шоир шеърларида илгари сураётган гоёни ўқувчига мажбур килиб тушунтирмайди, сатрлар зиммасига огир юк ортмайди. Иложи борича, оддийгина сўзлар ва лирик кахрамоннинг хатти-харакати оркали энгилгина тақдим этади. Куйидаги “Хожи ота Маргилоний сўзи”га кулоқ тутинг-а:

Етмиш йиллик умрим ўтди хорижда,
Юздан ошган Хожи отанг бўламан.
Тирик юрдим Истанбулда, Парижда,
Она юртдан айру кандок ўламан?
Кандок кетай Ватанимни кўрмай хур,
Илхакликдан зўр дунёда хеч дард йўк.
Мана, етдим муродимга, минг шукур,
Энди, болам, ўладиган номард йўк!

Гувох бўлиб турибсизки, бу шеърда ортикча баландпарвоз сўзлар, ватанпарвар шахснинг эхтиросли туйгулари, ташбехлару метафоралар, овозни кўтариб чиранишлар йўк. Оддийгина инсоннинг одмигина сухбати. Бирок сухбат шу кадар самимий, соддаки, унда юз ёшдан ошган Хожи отанинг бутун калби ярк этиб кўриняпти. Хожи ота фикрини ифодалаш учун танланган сўзлар содда ва кахрамоннинг ёшига муносиблиги билан эътиборни тартади. Мисралардаги биронта сўз ўрнини алмаштириш ҳам мумкин эмас. Хар бир сўзда унинг шу пайтгача тортган азоб-укубатлари, Ватан согинчи, шукроналиги, юртини озод кўриш туйгусидан коникиш хисси яккол сезилиб турибди. Хакикий шеър шунака бўлади, ундаги хар бир сўз калбни чўгдай жизиллатиб таъсир килади. Эркин Вохидов ижодига хос бундай фазилат унинг илк ижодий кадамларидан бошлаб хозиргача хамрох бўлиб келаётир.

Хеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, истиклол гоёси, мустакиллик учун кураш мавзусини ХХ асрнинг 60-йилларида ўзбек шеърятига Эркин Вохидов олиб кирди. Шўро даврида ўсиб, тарбияланиб вояга етган авлод халк иродаси, ўзига хос тарихи, миллатнинг шаъни, кадр-киммати, жисмоний ва маънавий куч-кудрати ифодаланган,

аждодларининг шон-шавкати улугланган шеърларни иштиёк билан ўқиши, ўқиганда ҳам тўғри кабул қилиши (яъни ўқиши) бироз қийин эди. Шу боис ўша пайтда Эркин Вохидов томонидан яратилган “Ўзбегим” касидаси одамлар онги-шуурига чакмоқдек урилди. Айримларни қуйдирди, баъзиларни қарахт қилиб қўйди. Лекин бу чакмоқ жуда кўпчиликнинг қалбидаги зулматни ёритиб юборди. Бунинг боиси “Ўзбегим” касидаси ўз даврида миллатнинг маънавий эҳтиёжи тарзида дунёга келган ва халқнинг айна пайтдаги бироз бўлса-да, янгиланаётган хоши-истагини ифодалаган эди. Касида 60-йиллар бошларида эса бошлаган демократия шабадасидек миллатнинг бирик қўнғилида бурқиб турган миллий ор-номус, миллий ифтихор туйғуси дарчасини очиб юборди. Натижада, бу шеър одамларда ўзига ишонч, қатъият, миллий гурур пайдо қилди. Орадан озгина вақт ўтиб яратилган “Рухлар исёни” достони, “Инсон”, “Бу қўллардир” каби касидалари халқимизнинг ёришган рухиятини ишончли кураш йўлига олиб чиқди. Шу жihatдан 80-йиллар ўрталарида истиклол учун бошланган оммавий ҳаракатда ана шу шеърлари ва улар муаллифи Эркин Вохидовнинг қатта ҳиссаси борлиги шубҳасиздир.

80-90-йилларда шоирнинг аввалги шеърларига ҳос лирик оҳанг чекиниб, овози бироз дағаллашганлигини, фикри жиддийлашганлигини, ҳулосалари кескинлик касб этганлигини сезиш мумкин. Аслида, буни ўз даври учун ижобий фазилат сифатида баҳолаш ўринлидир. Негаки, мазкур ҳусусиятлар жамиятда юз бераётган алғов-далғов ҳодисалар, Шўро ҳукуматининг халқни менсимаслик, унинг эркини, ор-номусини топташга қаратилган амалдаги ҳаракатларига қарши норозиликнинг акс-садоси тарзида дунёга келган эди.

Оҳангдаги бундай сифат ўзгаришлари, айниқса, Эркин Вохидовнинг “Тирик сайёралар” китобидан ўрин олган қучли ижтимоий ҳаракатдаги шеърлари, “Канада туркуми”, “Донишқўшок латифалари”да аниқ кўзга ташланди. Гарчи шоирнинг “Арслон ўргатувчи”, “Қўча четидаги аёл”, “Шарқий қирғоқ”, “Келажакка мактуб” сингари шеърларида эрк муаммоси қучли ижтимоий рух билан сугорилган бўлса-да, рамзий тимсоллар орқали ифодаланган гоё бироз мискин қайфиятда ифодаланган эди.

80-йиллар охирида Эркин Вохидов ижодига азалдан йўлдош бўлиб келган ҳажвиёт ҳам бутун бўй-басти билан намоён бўлди. Ижодининг дастлабки йилларидаги ҳазилга мойиллик бора-бора таги зил гоёларни илғари сурувчи жиддий қулгига асос яратди. Эътибор берилса, бу туйғу шоирнинг “Дўстларимни хайрон қолдирар...”, “Тинглайман қўп ўзбек сўзларин...”, “Шеър ҳақида шеър” сингари илк ҳазилларида бегараз, самимий қулғу тарзида қўнғилга енгиллик бағишлаган эди. 70-80-йилларга келиб бу йўналиш бироз жиддийлашди, қулғуда захар моддаси қуюқлашди, муносабат билдириляётган иллатни инкор этиш очик ва кескин тус олди. Бу жihatдан шоирнинг “Қулғу мушоиралари”дан иборат газаллари, “Донишқўшок латифалари”, “Канада туркуми”даги асарлари ҳаракатлидир. Масалан, “Қулғу мушоиралари”ни мутолаа қилган ўқувчи танқид қилинаётган қусурларни қатъий инкор этган ҳолда шоирнинг бегараз қулғусидан яйраса, “Донишқўшок латифалари”ни ўқиб, дастлаб Матмусанинг девоналарча қилган қилиқларидан қах-қах уриб қулади. Кейин эса бирдан чуқур ўйга толади. Чунки шоир Матмуса тушган вазиятнинг туб моҳиятини англамай қуляётган биздек нодонларга нимтабассум билан:

Аё, дўстлар, адашган

Матмусадан қулмайлик.

Матмусадек ўзимиз

Тандир кийган бўлмайлик, деб танбех беради. Чиндан ҳам Матмуса ким? У, аслида, ўз даврида коммунистик мафкура тандирини кийиб олиб, кўзлаган манзил-макони, максад-муддаоси номаълум бўлган ўзимиз эмасми?

Дарвоқе, Эркин Вохидов латифаларидаги тандир, дутор, калпок, лаган, эшак сингари деталлар Матмуса шахси билан ёнма-ён туриб, ривожлана бориб, қахрамон характери турли томонлардан ёритувчи образ даражасига кўтарилади.

Эркин Вохидовнинг чинакам санъаткор сифатидаги бош фазилатларидан яна бири – ўзининг халк дardini англаш, бу дарду ташвишларни енгиллатиш учун унга ҳамкору ҳамдаст бўлиш анъанасига, мустакилликка эришилгандан кейин ҳам содик колганлигидир. Яъни шоир айримларга ўхшаб, ўзининг бош максоди – Ватани озодликка эришгандан кейин ниятига етган фукаро сингари ўзини четга олмади. Балки мустакилликни янада мустахкамлаш, уни асраб қолиш йўлида собиткадамлик билан ҳам ижодий, ҳам амалий фаолиятда намуна кўрсатди.

Хуррият – номус-ор, нафсониятдир,

Кадрин билган элга мангу ниятдир.

Хурриятнинг ўзи тайёр бахт эмас,

Бахт учун энг буюк имкониятдир.

Хурриятга ишонч, саботинг керак,

Журъатинг, парвозинг, канотинг керак.

Ватан хуррияти учун хашиша

Фидоликка тайёр хаётинг керак.

Чиндан ҳам шоирнинг ўзи айтганидек, “Адабиёт – мўмин-маъкул одамларнинг майдони эмас. Факирона кўникувчанлик, ўз тинчини ўйлаш истеъдодни халок этувчи омиллардир”. Бу билан Э.Вохидов шеърият факат ҳамду санолар воситаси эмас, балки унинг вазифаси мудрок халкнинг кўзини очиш, эришилган галабани асраб қолиш ва кўпайтиришдан иборат эканлигини амалда исботлай олди ва истиклол шеъриятини одамлар йўлини ёритувчи машъалага айлантирди. Бу машъала хануз порлаб, ўз кутлуг вазифасини шараф билан бажариб келаётир.

Эркин Вохидов ижодининг аввалги боскичларида учрамаган мурожаат усули “Огрикли саволлар”, “Давлат иши”, “Шахарми бу, кишлокми бу...”, “Сен менга тегма”, “Биздан кейин хеч бир авлод кайта курмасин” сингари шеърларида аниқ кўзга ташланади. Уларда шоир-лирик қахрамони ўқувчига тўғридан тўғри мурожаат килади, унга огрикли саволлар бериб, мантикли жавоблар кутади. Аммо дилини кониктирадиган жавоб ололмай фарёд чекади. Бинобарин, Э.Вохидовнинг бу шеърлари инсон калбига бевосита йўналтирилган, инсон шаъни учун курашадиган, инсон шахсига нисбатан меҳр билан сугорилган шеърият эканлигини исботлайди.

Эркин Вохидов бундан кўп йиллар мукаддам:

Шоирлик – бу ширин жондан кечмакдир,

Лиммо-лим фидолик жомин ичмакдир.

Шоирлик – жигарни минг пора этмак,

Багир кони билан сатрлар битмак.

Ўзни томчи-томчи, зарра ва зарра

Элга курбон килиб, энг сўнги карра –

Армон билан демак: “Эй, она юртим,

Кечир, хизматингни киллолмай ўтдим... деб ёзган эди. Бугун шоирнинг улкан адабий меросидан бахраманд бўлиш асносида тўла хукук билан айтишимиз мумкинки, Эркин

Вохидов халкига хизмат кила олгани учун хакли равишда “Ўзбекистон халк шоири” унвонини олди. “Лиммо-лим фидойилик жомини” ичгани ва бу йўлда намуна кўрсатгани учун мухтарам Президентимиз ўз кўллари билан кўксига “Олтин юлдуз”ни кадаб “Ўзбекистон қахрамони” деб эълон қилдилар. Халкимиз ва Ватанимиз олдидаги буюк хизматлари муносиб тақдирланиб келмоқда.

Хозир Эркин Вохидов ижоди айнан ширага тўлган пайти. Бу фикримизни шоирнинг кейинги пайтда эълон қилган шеърлари, публицистик мақолалари, суҳбатлари тўла исботлаб турибди. Она халкига, Ватанига чинакам меҳр кўймаган ижодкор ҳар қанча истеъдодга эга бўлмасин бундай мавқега эриша олмайди. Меҳр-муҳаббати кучли, садокати бекиёс бўлганлиги туфайли Эркин Вохидов халкимизнинг чиндан ҳам ниҳоятда суюкли шоири бўлиб қолди. Шоир ўзбек шеъриятига янгича фикр, янги шакллар, янги образ, янгича оҳанг, янгича усул ва воситалар олиб қирди ва унинг тамоман янгиланишига муносиб ҳисса қўшди. Шоир шеърлари кўнгиллارга ором, рухимизга кўтаринкилик, вужудимизга мадад бағишлайди. Демак, шундай шоирни севмаслик, асарларини чин дилдан суйиб мутолаа қилмаслик мумкин эмас!